O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**Самаркандского района**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

185

**2013 yil "20" март №248-К** **Samarqand t.-p. Самарканд**

**Фуқаро Амонов Сабрига "Даштакиболо" қишлоқ фуқаролар йиғини "Оқмачит" маҳалласи ҳудудидан дорихона, пайнет шахобчаси, сут маҳсулотлари сотиш дўкони ва тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида**

Туман ҳокимининг 2012 йил 21 октябрдаги 1110-К сонли ер танлаш қарори, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 01 мартдаги 21-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2012 йил 07 августдаги 862-сонли хулосаси, Самарқанд туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 1073-сонли Архитектура-режалаштириш топшириғи ҳамда фуқаро Амонов Сабрининг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 01 мартдаги 21-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Амонов Сабрига "Даштакиболо" қишлоқ фуқаролар йиғини "Оқмачит" маҳалласи ҳудудидан дорихона, пайнет шахобчаси, сут маҳсулотлари сотиш дўкони ва тикувчилик цехи қуриш учун ер майдони танлаш ҳақидаги туман ҳокимининг 2012 йил 21 сентябрдаги 1110-К сонли ер танлаш қарорига асосан жами 230 м.кв (шундан: 230 м.кв намунавий лойихалар асосида қурилаётган уй жойлар бош режасидаги туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

**Туман хокими** **Б. Садуллаев**